

2-1-2018

FEATURES OF SALARY ACCRUAL IN SECONDARY SPECIAL VOCATIONAL EDUCATION INSTITUTIONS

X. Iskanov

Tashkent Financial institute

A. Ostonaqulov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Iskanov, X. and Ostonaqulov, A. (2018) "FEATURES OF SALARY ACCRUAL IN SECONDARY SPECIAL VOCATIONAL EDUCATION INSTITUTIONS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 13.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/13>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**Исканов Х.Н – ТМИ, к.ўқ.
Остонокулов А.А – ТМИ, к.ўқ., PhD**

ЎРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мазкур мақолада ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларида директор жамғармаси маблағлари ҳисоби билан боғлиқ муаммоларнинг ечими юзасидан муаллифлик таклифлари келтирилган.

Таянч сўзлар: базавий таъриф ставкалар, директор жамғармаси, касб-хунар таълим муассасалари, контингент, моддий ёрдам, рағбатлантириш, смета.

В статье приведены предложения автора по решению существующих проблем касательно ведения учета директорского фонда средне-специальных профессиональных образовательных учреждений.

Ключевые слова: базовые тарифные ставки, директорский фонд, профессиональные учебные заведения, контингент, материальная помощь, стимулирование, смета.

The article includes proposals on existing problems concerning maintaining account of directorial fund in specialized secondary education institutions.

Key words: basic tariff rates, director's fund, professional educational institutions, contingency plans, financial assistance, incentives, expenditure estimates plan.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар баробарида таълим соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар ва янгиланишлар амалга ошириб келинмоқда. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниши билан юртимизда узлуксиз таълим тизимига асос солинди. Узлуксиз таълим тизими ёшларни билимли ва ҳар томонлама мукамал шахс сифатида шаклланишига замин яратмоқда.

Узлуксиз таълим тизимининг академик лицей ва касб-хунар коллежи таълим босқичи ёшларга мукамал билим бериш ҳамда касбий кўникма ҳосил қилишга қаратилган бўлиб, таълим жараёнини янада самарали ташкил этиш мақсадида 2008 йил 1 августда Вазирлар Маҳкамасининг 165-сон “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги низом ҳамда “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасининг директор жамғармаси тўғрисида”ги низом қабул қилинди [1, 2].

“Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги низомга кўра ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбар ходимларининг базавий тариф ставкалари ўқувчилар контингентига (1-жадвал) боғлиқ равишда муассасалар гуруҳларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

1-жадвал

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилар контингентига боғлиқ равишда гуруҳланиши

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг тури	Контингент сони (киши)			
	I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
Академик лицей	851 нафар ва ундан ортиқ	651-850	401-650	400 нафаргача
Касб-ҳунар коллежи	1051 нафар ва ундан ортиқ	751- 1050	451-750	450 нафаргача

Ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларининг ўқувчилар контингентига боғлиқ равишда гуруҳланиши бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишга хизмат қилади. Биз томондан ўрганилаётган Қибрай Энергетика касб-ҳунар коллежи айни вақтда “III гуруҳ” таркибига тааллуқлидир.

“Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси тўғрисида”ги низомга кўра таълим сифатини янада ошириш мақсадида “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом (Ўз.Р. АВ.да 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатдан ўтган)га асосан харажатлар сметаси I гуруҳ харажатлари таркибида меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўрнатилган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари” 41 11 210 харажат моддаси шакллантирилади[3].

Хусусан, Қибрай Энергетика касб-ҳунар коллежининг 2017 йил харажатлар сметасининг “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўрнатилган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари” 41 11 210 харажат моддасида 186579675 сўм маблағ режалаштирилган.

Директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида тегишли лавозим ёки малака

тоифасидаги ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими устаси базавий тариф ставкасининг 40 фоизигача миқдордаги ҳар ойлик устамалар белгиланади. Раҳбар ходимларга, шунингдек ўз фаолиятини соатбай ҳақ тўлаш асосида амалга ошираётган ўқитувчиларга ва ишлаб чиқариш таълими усталарига мазкур ҳар ойлик устамалар белгиланмайди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг айрим ўртак кўрсатган ходимларини мукофотлаш уларнинг таълим муассасасини ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва ўз фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун уларга бир лавозим маошигача миқдорда бир йўла мукофот тўлаш йўли билан амалга оширилади. Мукофотлаш ўқув юритиш якунларини чиқариш натижалари бўйича амалга оширилади.

Директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан ходимларга уларнинг мурожаатига кўра ёки таълим муассасаси касоба уюшмаси ташаббуси билан қуйидаги фавқулодда ҳолларда моддий ёрдам кўрсатилади:

- яқин қариндоши вафот этганда;
- оғир жароҳат олинганда;
- оғир касалликка чалинганда;
- табиий офатдан зарар кўрилганда ва ҳоказо.

Директор жамғармаси маблағлари ҳисобига устамалар, мукофотлар ҳамда моддий ёрдам харажатларини молиялаштириш молия органлари томонидан иш ҳақи тўлаш учун маблағларни молиялаштириш билан бир вақтда амалга оширилади. ходимларнинг директор жамғармаси ҳисобига олинган даромадларига солиқ солиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

“Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги (Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган) йўриқномага асосан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ходимларга иш ҳақи, директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик устама, бир йўла мукофотлаш ва моддий ёрдам ҳисоблаш ҳисобварақларда акс эттирилади[3].

Қибрай Энергетика касб-ҳунар коллежининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш мақсадида директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

а) директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан январь ойи учун ойлик устама 21400000 сўм, бир йўла мукофотлаш 1750000 сўм ва моддий ёрдам 3100000 сўм ҳисобланди:

Дт 231 “Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар ҳисобварағи 26250000 сўм;

Кт 173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи 26250000 сўм;

б) январь ойи учун ҳисобланган ойлик устама, бир йўла мукофотлаш ва моддий ёрдамлардан 4200000 сўм даромад солиғи ҳисобланди:

Дт 173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи 4200000 сўм;

Кт 160 “Даромад солиғи” 4200000 сўм;

в) ҳисобланган ойлик устама, бир йўла мукофотлаш ва моддий ёрдамларга нисбатан шахсий жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига (ИНПС) ҳисобланди:

Дт 160 “Даромад солиғи” ҳисобварағи 254625 сўм;

Кт 162 “Шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар” 254625 сўм;

г) январь ойи учун ҳисобланган ойлик устама, бир йўла мукофотлаш ва моддий ёрдамлардан 8 фоиз пенсия жамғармасига мажбурий тўлов 1968750 сўм ушлаб қолинди:

Дт 173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи 1968750 сўм;

Кт 163 “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар” 1968750 сўм;

д) январь ойи учун ҳисобланган ойлик устама, бир йўла мукофотлаш ва моддий ёрдамлардан 1 фоиз касабга уюшмасига аъзолик бадаллари 262500 сўм ушлаб қолинди:

Дт 173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи 262500 сўм;

Кт 176 “Ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича ҳисоб-китоблар” 262500 сўм;

е) директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан январь ойи учун ҳисобланган ойлик устама, бир йўла мукофотлаш ва моддий ёрдам бўйича ушлаб қолingan даромад солиғи ҳамда мажбурий тўловлар февраль ойида тўланди:

Дт 160 “Даромад солиғи” 3945375 (4200000-254625) сўм;

Дт 162 “Шахсий жамғариб бориладиган Пенсия ҳисобварағи бадаллари бўйича ҳисоб-китоблар” 254625 сўм;

Дт 163 “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳисоб-китоблар” 1968750 сўм;

Дт 176 “Ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақ бўйича ҳисоб-китоблар” 262500 сўм;

Кт 232 “Бюджетдан молиялаштириш” ҳисобварағи 6431250 сўм;

ж) директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан январь ойи учун ҳисобланган ойлик устама, бир йўла мукофотлаш ва моддий ёрдам (даромад солиғи ҳамда мажбурий тўловлар ушлаб қолингандан сўнг)нинг етмиш фоиз қисми ($19818750 \cdot 70\%$) пластик карточкага пул кўчириши орқали февраль ойида (реестрга асосан) 13873125 сўм тўланди:

Дт 173 “ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи 13873125 сўм;

Кт 232 “Бюджетдан молиялаштириш” ҳисобварағи 13873125 сўм;

з) қолган 5945625 сўм қисми нақд пул бериши орқали тўланса:

- шахсий ғазна ҳисоб рақамдан тижорат банк транзит счётига 5945625 сўм маблағнинг ўтказилиши:

Дт 131 “Йўлдаги пул маблағлари” ҳисобварағи 5945625 сўм;

Кт 232 “Бюджетдан молиялаштириш” ҳисобварағи 5945625 сўм;

- ташкилот кассасига нақд пулнинг олиб келиниши:

Дт 120 “Миллий валютадаги нақд пул маблағлари” ҳисобварағи 5945625

сўм;

Кт 131 “Йўлдаги пул маблағлари” ҳисобварағи 5945625 сўм;

- кассадан директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик устама, бир йўла мукофотлаш ва моддий ёрдам берилди:

Дт 173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағи 5945625 сўм

Кт 120 “Касса” ҳисобварағи 5945625 сўм.

Ушбу муомалалар “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқноманинг 45 - иловаси 294-сон шакл “Касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш” дафтарида қуйидагича касса ва ҳақиқий харажатлар кўринишида алоҳида ҳисобга олинади:

- 2017 йил харажатлар сметаси ижросининг январь ҳақиқий харажатлар қисмида устама, мукофот ва моддий ёрдам 41 11 200 иш ҳақиға устама ва қўшимча тўловлар харажат моддасида 26250000 сўм;

- 2017 йил харажатлар сметаси ижросининг февраль касса харажатлари қисмида устама, мукофот ва моддий ёрдам 41 11 200 иш ҳақиға устама ва қўшимча тўловлар харажат моддасида 26250000 сўм акс эттирилади (2-жадвал).

2-жадвал

**Қибрай Энергетика касб-хунар коллежининг директор жамғармаси
маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий ва касса
харажатларнинг акс эттирилиши**

(минг сўмда)

Харажатноми	<i>1-гурӯҳ жами</i>	41 10 000	41 11 000	41 11 100	41 11 200	41 11 210
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>
Ҳақиқий харажат						
Иш ҳақи	26250	26250	26250	26250	26250	26250
Пул шаклидаги иш ҳақи	26250	26250	26250	26250	26250	26250
Асосий иш ҳақи						
Иш ҳақиға устамалар ва кўшимчалар	26250	26250	26250	26250	26250	26250
Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг ўрнатган ходимларини рағбатлантиришнинг Директор жамғармаси маблағлари	26250	26250	26250	26250	26250	26250
Жами	26250	26250	26250	26250	26250	26250
Касса харажат						
Ишҳақи	26250	26250	26250	26250	26250	26250
Пул шаклидаги иш ҳақи	26250	26250	26250	26250	26250	26250
Асосий иш ҳақи						
Иш ҳақиға устамалар ва кўшимчалар	26250	26250	26250	26250	26250	26250
Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларининг ўрнатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси маблағлари	26250	26250	26250	26250	26250	26250
Жами	26250	26250	26250	26250	26250	26250

Юқорида кўрилган ҳолатлар юзасидан ҳозирги кунда қуйидаги ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар мавжуд:


- иш ҳақи, директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан устама, мукофот ва моддий ёрдамнинг 173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” ҳисобварағида акс эттирилиши натижасида сметада режаланган директор жамғармаси маблағлари ижроси юзасидан ҳисобварақлар орқали аниқ ва ишончли маълумотлар билан таъминлашни қийинлаштириши;

- директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан ходимга тўланиши лозим бўлган устама, мукофот ва моддий ёрдамни аниқлаш яъни, ҳақиқий харажат ва касса харажатлари ўртасидаги фарқни ҳисобварақлар билан таққослаш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

- бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларда режалаштирилган иш ҳақи ҳамда директор жамғармаси маблағлари ижроси

ҳисоби юзасидан алоҳида аналитик ҳисобварақлар рўйхати ва уларни қўллаш бўйича тавсиялар келтирилмаганлиги.

Бизнингча, юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш учун қуйидаги аналитик ҳисобварақларни (1-чизма) очиш мақсадга мувофиқ бўлади.



1-расм. Аналитик ҳисобварақлар таркибий қисмлари

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича сметаларда режалаштирилган иш ҳақи ва директор жамғармаси маблағлари ижроси ҳисоби юзасидан аналитик ҳисобварақлар киритиш ҳисоб объектлари бўйича аниқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш, ҳисоб ишларини назорат қилиш ҳамда фойдаланувчиларга тезкорлик билан тақдим этиш имкониятини беради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари сметаларида режалаштирилган директор жамғармаси маблағлари ижросини ҳисобга олиш юзасидан юқоридаги каби аналитик ҳисобварақлардан фойдаланиш фойдаланувчиларни янада аниқ ва ишончли маълумотлар билан таъминлаш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтириб ўтилган муаммолар ва уларни ечимлари бўйича келтириб ўтилган масалалар бугунги кунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 165-сон Қарори асосида тасдиқланган “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида”ги Низом 2008 йил 1 август;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 165-сон Қарори асосида тасдиқланган “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг директор жамғармаси тўғрисида”ги Низом 2008 йил 1 август;
3. “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўз.Р. АВ.да 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатдан ўтган);
4. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқнома (Ўз.Р. АВ.да 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган).
5. Меҳмонов С. Бюджет ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология”. 2012. 352 б.